



2-бет



3-бет



4-5-бетлар

8-бет



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 210 (10.013)

2003 йил 29 ОКТАБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,
Мени Ўзбекистон Республикаси-
нинг юксак давлат мукофоти -
«Дўстлик» ордени билан тақдирла-
ганингиз учун Сизга самимий ташаккур
ва чуқур миннатдорлик изҳор этишга
ижозат бергайсиз. 1996 йили Ўзбеки-
стон Республикаси Банк-молия
Академиясининг проректори этиб
тайинланганидан буён Сизнинг таъ-
лим соҳасидаги ислохотларни шах-
сан кўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам
кўрсатиб келаётганингизни, Ўзбеки-
стон учун халқаро андозалар даража-
сидаги юқори малакали миллий кадр-
лар тайёрлаш йўлидаги толмас
саъй-ҳаракатларингизни доимо ҳис
этиб келаман.

Япония молия ва академик доир-
ларининг вақили сифатида, Сизнинг
Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар-
ни изчил амалга ошириш ва чуқур-
лаштириш борасидаги узоқни
кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатин-
гиз аҳамиятини жуда яхши англай-
ман. Сизнинг раҳбарлигингизда
Халқаро валюта жамғармаси билан
ҳамкорлик борасида эришилган на-
тижа - 15 октябрдан миллий валюта-
нинг жорий халқаро операциялар
бўйича конвертация қилиниши ҳамда
макроиқтисодий барқарорликка эри-
шишдаги муваффақиятлар Япония-
да самимий эҳтиром ва ҳайрат уй-
-

отди. Қатъий ишонамани, бу муваф-
фақиятлар ҳўжалик юриштиши эр-
кинлаштириш, бизнесни ривожлан-
тириш, хорижий сармоя жалб этиш
ва Ўзбекистоннинг халқаро иқтисод-
ий ҳамжамиятга интеграциялашув
жараёни янада тезлаштириш учун
мустаҳкам замин яратишга имкон
беради.

Сизни ишонтириб айтмоқчиманки,
Ўзбекистон Республикасининг Япония-
даги элчихонаси билан биргалик-
да бундан буён ҳам Ўзбекистон банк-
молия тизими учун муваффақиятлар
тайёрлашга кўмаклашиш ва халқла-
римиз ўртасида дўстлик ва ҳамкор-
ликни янада мустаҳкамлаш йўлида
бор куч-ғайратимни ишга солавера-
ман.

Сиз, Жаноби Олийларига ажойиб
ва гўзал мамлакатингизда ислохот-
ларни амалга оширишда янгидан-
янги муваффақиятлар, мустаҳкам
соғлиқ ва фаровонлик тилашга ижо-
зат бергайсиз.

Самимий эҳтиром ила,

Тошхару КИТАМУРА,
Япония Молия вазирлиги
махсус маслаҳатчиси,
Япония Тараққиёт банки бош
ижрочи директори,
Васеда университети
профессори.

Ўзбекистон Банклар ассоциа-
циясида «Тижорат банкларида
корпоратив бошқарув даражаси
ни ошириш ва ички аудит тизи-
мини такомиллаштириш» мавзу-
да семинар бўлиб ўтди. Ушбу
тадбир Ўзбекистон Марказий
банки ва «Прагма» корпорация-
си /АҚШ/ билан ҳамкорликда
ташкил этилди.

БАНК ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

Амалий семинарни ўтказишдан
мақсад тижорат банкини корпоре-
тив бошқариш услубларини янада
такомиллаштириш, банк тузилмала-
ри фаолиятида банк кенгашлари
ва ички аудит хизматлари аҳамия-
тини оширишдир.

Сўнги вақтда корпоратив бош-
қарув масаласи матбуот ва ишби-
лармон доираларнинг эътиборини
ўзига тортмоқда. Бу, биринчи
навбатда, акциядорлар ва бошқа
манфаатдор шахслар ҳуқуқларини
амалда ҳимоя қилиш масалалари-
га боғлиқ. Шу билан бирга корпоре-
тив бошқарув тизимини ривож-
лантириш компаниялар инвестиция-
вий жозибадорлигини ошириш
йўлларида бири сифатида баҳо-
ланмоқда.

Таъкидлаш керакки, кўпчилик ин-
весторлар, айниқса хорижиликлар
учун корпоратив бошқарув муаммо-
лари мамлакатимиз иқтисодийти-
га катта миқдорда сармоя киритиш
ҳақида қарор қабул қилишда осойис
омил ҳисобланади.

ЎЗА

XXI сағоси

Барча мақбаладан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Муборак Рамазон ойининг
кириб келиши муносабати бил-
ан хорижий давлатлар раҳбар-
лари Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Қаримов но-
мига самимий кутловлар
йўллашмоқда.
- Кеча Олий Мажлис ҳузури-
даги Амалдаги қонун ҳужжатла-
ри мониторинги институти
Кочқинлар ишлари бўйича
БМТнинг Олий комиссари Бош-
қармаси билан ҳамкорликда
миллий қонунчиликда халқаро
меъёрларнинг қўллангани маса-
лаларига бағишланган тадбир
ўтказди.
- Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим ва-
зирлиги, Халқ таълими вазир-
лиги, «Камолот» ЁИХ, «LG
Electronics» компанияси ҳам-
корликда «Йилнинг энг яхши
гояси» мавзуида танлов эълон
қилишди.
- Халқ таълими муассасала-
ри тизимида 2003-2004 йил
кузги-қишки мавсумга тайёр-
гарлик бўйича ўтказилган рес-
публика танловида Андижон
вилоятидаги Қўрғонтепа тумани
биринчи ўринни эгаллади.
- Тошкентда «Dedeman Silk
Road Tashkent» меҳмонхонаси-
нинг тақдимот маросими бўлди.
- Шахрисабз шаҳрида
«Ҳисор» спорт мажмуаси қуриб
битказилди.
- Томди туманидаги «Бир-
лик» ширкат ҳўжалик марказ-
ий қўрғонда спорт ўйингоҳи
қурилиб, фойдаланишга топши-
рилди.

Жаҳонда

- АҚШ конгрессининг икка-
ла палатаси Президент Жорж
Буш маъмуриятига Ироқ ва Аф-
ғонистонни тиклаш ва ушбу
мамлакатлардаги ҳарбий опе-
рацияларни молиялаштириш
учун маблағ ажратишни ёқлаб
овоз берди.
- Халқаро Қизил ҳоч кўмита-
сининг Ироқдаги ходимларини
хавфсиз жойга кўчириш
ҳақидаги қарорига биноан 30
дан зиёд чет эллик ходим Бағ-
додни тарк этди.
- ХАМАС гуруҳи Фаластин
бош вазири билан Исроилга
ҳужумларни тўхтатиш бўйича
музокаралар олиб боришга тай-
ёр эканлигини билдирди.
- Ироқ пойтахти Бағдод шаҳ-
рида бир кун ичида бешта тер-
рорчилик ҳаракатлари содир
этилди. 39 киши уларнинг қур-
бон бўлди, 200 дан ортик
киши жароҳатланди.
- Маълумотларга қараганда,
Болгарияда маҳаллий ҳукумат
органларига ўтказилаётган сай-
ловларда социалистик партия
ғолиб чиқди.
- Хитойнинг Ганьсу провин-
циясида юз берган Рихтер шка-
ласи бўйича 6,1 ва 5,8 баллга
тенг зўзила оқибатида 9 киши
ҳалок бўлди, 43 киши тан жа-
роҳати олди.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунги

Янгликлар, воқоалар

ҚИСҚА

- **ҲАМЗА** туманидаги
Жўрабек маҳалласида туман
хотин-қизлар кўмитаси та-
шаббуси билан «Қизлар-
нинг кийиниш одоби ва
муомала маданияти» мавзу-
да давра суҳбати уюшти-
рилди.
- **КЕЧА** Республика
кўғирчоқ театрида Тошкент
шаҳар Табиатни муҳофаза
қилиш кўмитаси, Тошкент
шаҳар халқ таълими бош
бошқармаси ташаббуси
билан мактабгача тарбия
муассасалари тарбиячилари
ўртасида «Она табиятни
асрайлик» мавзуида кўрик-
танлов уюштирилди.
- **БУГҲУН** Республика
Байналмилал маданият мар-
казида «Ўзбекистон — ум-
мий уйимиз» шиори остида
миллий маданият марказла-
ри республика фестивали-
нинг Тошкент шаҳар босқ-
ичи бошланди. Унда Яқка-
сарой ва Шайхонтоҳур ту-

манларидан яҳудий, бухоро
яҳудийлари, юнон, литва,
немис ва поляк миллий-мад-
дани марказлари жамоа-
лари вакиллари иштирок
этилди.

• **КОЗОГИСТОН** теле-
видениеси «Жанубий пой-
тахт» телеканалининг ижо-
дий гуруҳи Ўзбекистон те-
левидениесига таширф бу-
юрди. Бундан кўзланган
мақсад икки томонлама
ҳамкорлик алоқаларини
янада кучайтиришдир.

• **САЪДИ** Сирожиiddинов
номидаги академик лицей-
да ўтказилган илмий-амал-
ий анжуман «Ўқувчилар-
нинг билими сифатини
оширишда Фанлар акаде-
мияси қошидаги илмий-
текшириш институтлари-
нинг роли» деб номланди.

• **ЧЕХИЯНИНГ** Ўзбеки-
стондаги элчихонасида
бўлиб ўтган тадбир Чехия
Республикаси мустақилли-
гининг 10 йиллигига ба-
ғишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

• МАҲАЛЛА САЙЛОВ АРАФАСИДА

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Кенгашининг 2003 йил 6 октябрдаги «Фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни
ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда
фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчилари-
нинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бел-
гиланган ваколат мuddати шу йилнинг ноябрь-декабрь
ойларида тугаши муносабати билан жойларда бўлгуси
сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов-
ни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ко-
миссиясининг навбатдаги йиғилиши ҳам сайловга тайёр-
гарлик масалаларига бағишланди. Уни Тошкент шаҳар ҳоки-
мининг биринчи ўринбосари, шаҳар комиссияси раиси
Абдуқаҳор Тўхтаев олиб борди.

Йиғилишда сайловга тайёргарлик қандай бораётганлиги
хусусида шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ташкилий ишлар
ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Икромбек Бер-
дидековнинг ахбороти тингланди.

Комиссия йиғилишида шунингдек, маҳаллалардаги ишчи
гуруҳлари ишини пухта ташкил этиш лозимлиги таъкид-
ланди, жойларда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини са-
марали олиб бориш бўлгуси сайловларда энг муносиб оқсо-
қоллар ва маслаҳатчилар сайланишида муҳим ўрин тутиши
тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(Ўз мухбиримиз)

Иқтисодийёт

ХАРИДОР ТАЛАБИГА МОС

Сергели туманидаги «Амадина» хусусий корхонасида айни пайтда харидор талабидан келиб чиққан ҳолда сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар тайёрланиб, корхона ахли республикада ички бозорини тўлдиришга ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган пласмасса қувурлар, тошойна ва қорайтирилган ойналар пишқ-пухталиги билан бозорда ўз ўрни ва харидорига эга, десак хато қилмаймиз. Маҳсулот учун хом ашё Қашқадарё вилоятининг «Шўртангаз» кимё комплекси-дан ҳамда Фарғонанинг Кува-сой шаҳридаги «Кварц» заво-дидан келтирилади. Ҳозир кор-хонада йилга 10 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, янги режалар асосида иш олиб борилмоқда.

— Келгусида полиэтилен плёнка ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз, — дейди «Амадина» хусусий корхонаси директори Рўзимат Исроилов. — Натижада яна 20 га яқин бўш иш ўринлари вужудга келади. Шунингдек, йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 50 миллион сўмга етказишни мўлжаллаганмиз.

Тадбиркорлик

ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Тасаввур қилинг, катта йўлда машинангиз бузилиб қолди. Сизда ортиқча эҳтиёт қисмлар йўқлиги боис кайфиятигиз бузилиши табиий ҳол, албатта. Аммо оғирингизни енгил қиладиган автосервислар машинангиз таъмирини кўнглингиздагидек адо этиб, диллингизни хушнуд қиладди.

Шаҳримизда фаолият юри-таётган «Файса сервис» масъу-лият чекланган жамияти ҳам ана шундай тезкор ва сифат-ли хизмат кўрсатувчи сервис-лардан биридир. Автомобил-ларни таъмирлаш ва қайта ту-затиш билан шуғулланадиган ушбу автосервис янги замо-навий компьютерлаштирилган дастгоҳлар билан таъминлан-ган.

— Филдирак бурчагини тўғрилаш, мувозанатни сақ-лаш мосламалари, филдиракни ечиб қўйиш учун мослашти-рилган электрик премактирлар Туркия ва Жанубий Корея дав-латларидан келтирилган бўлиб, бундай мосламалар ишимизни жуда оsonлашти-ради ҳамда мижозларимизга сиф-атли хизмат кўрсатишимизни кафолатлайди, — дейди «Файса сервис» жамияти раҳ-бари Файзулла Толипов. — Шунингдек, автосервисда чет элдан келтирилган мосламаларни ишлатиш жараёни хоҳ-ловчиларга ўргатилиб, малака ошириш юзасидан кенг имко-ниятлар яратилган. Бу йил янги режалар ҳам ишлаб чиқ-дик. Унга қўра, тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириб, тўқимачилик соҳасида ҳам иш олиб боришни ният қилган-миз. Ҳозирча бу бир эзгу мак-сад. Аммо халқимизда «Интил-ганга толе ёр» деган ибратли нақл бор. Ҳақиқатан, ҳарат қилсанг, самараси ҳам шунга яраша бўлади.

Орзулу РУСТАМОВА

Қиш тайёргарликни ёқтиради

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, Ҳар фаслнинг ўз фазилати Кумуш қишдан зумрад баҳордан Қолишмайди қузнинг зийнати.

Биз таъриф бераётган олтин қушмиз ҳам тобора поёнига етиб бормоқда. Бўсағанда эса киш. Ҳар фаслнинг ўзига яраша гашти ва ташвиши бўлганидек, қушмизнинг ҳам ўзига хос юмушлари бор. Бу даврда йигим-терим палласи бошланади. Одамлар қиш ташвишида гимирлаб қолишади. Кунлар совий борган сари ҳамшаҳарларимиз дилда ва тили-да: «Бу йил қишда хонадонларимиз иссиқ бўлармикан, қишни кўнгили ўтказармикан-миз?» — деган саволлар пайдо бўлади. Бунинг кўннинг долзарб гапи бўлган бу мавзу пойтахт ижтимоий-иқтисодий ривожланиши-нинг тўққиз ойлик яқунла-рига бағишланган фаоллар йиғилишида ҳам кўриб чи-қилганлиги бежиз эмас.

Ҳўш, бугунги кунда шаҳ-римизда бу борадаги аҳвол қандай? Очиги, бу масала юзасидан мутасадди идораларда, шаҳримизнинг ис-сиклик қуввати ва энерге-тика билан таъминладиган корхоналарда, коммунал маиший хизмат, транспорт, сув, газ таъминоти, уй-жой фонди, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муасса-саларида анча ишлар қилинган бўлса-да, лекин режадаги тадбирлар тўла бажарилди, деб бўлмайди. Буни меҳнатқашларнинг таҳририятимизга йўллаёт-ган мактублари оқимидан ҳам билса бўлади.

«Тошиссикликмаркази» томонидан жорий йилнинг октябрь ойи бошига уй-жой-ларга, соғлиқни сақлаш мажмуаларига, халқ таъли-ми муассасаларига иссиқ-лик етарли миқдорда бер-рилганга қарамай, бироқ уй-жойларни қайта таъмирлаш масаласида-ги савол ҳамон оқчилигича қолмоқда. Бу хиз-мат юзасидан белгиланган режа эндигина 48 фоизга бажарилгани ҳам ҳали бу хусусда жиддий бош қотириш кераклигини исботлаб турибди.

Маълумки, уй-жойларни капитал таъмир-лаш ишлари учта молиялаштириш манба-лари орқали бажарилади. Биринчи манбаа аҳолининг фойдаланиш хизматлари учун тўловларининг 30-40 фоизи ҳисобига, иккин-чиси, давлат бюджетдан ажратилган пул эва-зига, учинчиси, ҳудудда жойлашган ташкилот ва идораларнинг ҳомийлик маблағлари ҳис-обига амалга оширилади. Биринчи манбаа ор-қали шу йил 337 та уй тубдан таъмирланиши режалаштирилган бўлса, ҳозирча бу иш 65 фоиз атрофида бажарилди, ҳолос. Бу борада-ги муаммо давлатимиз томонидан инobatга олин-иб, тегишли ёрдам берилмоқда. Бу маб-лағлар ҳам пойтахтдаги кўп қаватли уйларни тубдан таъмирлашга сарфланади.

Шу ўринда ҳар биримизда: «Ҳўш, биз юқорида таъкидлаган биринчи манбаа юза-сидан белгиланган таъмирлаш режаси нега бажарилмади?» — деган савол турғилиши та-биий. Сабабини аниқ ва лўнда қилиб айтиди-ган бўлсақ, бу режанинг барбод бўлишига ўзи-миз айбдоримиз. Яшаб турган уй-жойимиз учун ойлик солиқларни ўз вақтида тўламаслиги-миз, ана шу натижага олиб келди. Баъзи бир фуқароларнинг боқимандалик кайфиятини йўқотиш учун уларга қонун тартибиде чора кўришгача бориб етилмоқда. Афсуски, бу тад-бир ҳам «ҳисобли дўст айрилмас» деган ҳик-матга амал қилмовчиларнинг кўзини ҳамон очмапти. Бундайлар орасида ўзига тўқ хона-дон эгаларининг бўлиши айниқса ташвишли-дир.

Инсон учун яратилган неъматлар орасида электр ва газ маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди. Оғиримизни енгил қилиб, қунда-лик ҳаётимиз учун зарур бўлган қулайликлар-ни яратиш бераётган бу неъматлардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳар биримизнинг виждо-ний бурчимиз. Лекин ҳаммиса ҳам бу ақидага амал қилаемизми? Афсуски, йўқ. Бир мисол. Яқинда газ таъминоти хизматчилари томони-дан ўтказилган текширувда баъзи бир оила-лар (албатта газ ҳисоблагич ўрнатилган хона-донлар бундан мустасно), ўз ошоналарига ўрнатилган газ қурилмаларини кеча-кундуз ёқиб қолдираётганликлари аниқланди. Улар биргина гуғурт чўпини иқтисод қилиш учун шундай йўл тутаётганликлари маълум бўлди. Таққўслаб кўрин-га, битта чўпининг баҳоси қан-ча-ю тўни билан исроф қилинаётган газнинг

қиймати қанча?

Газ ва электр тўловларидаги ўғирликлар ҳақида ҳам керагича бонг уряпмиз. Бу ўлчов асбобларини ўз фойдасига ишлатаётган, уларни вақти-вақти билан тўхтатиб қўйишга қодир бўлган ёки орқаси суриб қўяётган хона-дон эгалари ҳақида газетамиз орқали тез-тез маълум қилиб турибмиз. Лекин ўша хона-донлар билан келишиб, газ ёки электр ҳисоб-лагичларини орқаси суриб давлат ҳисобига тўланадиган пулни ўз фойдасига туя қилаёт-ган назоратчи ҳақида негадир индамай-миз. Мана шу лоқайдлигимиз уларга кенгроқ йўл очиб бераётганга ўхшайди. Ахир, давлат хазинасига кўз олайтирган ёки ўз фойдамиз-га сарф бўладиган маблағларни ўзгалар то-монидан ўзлаштириб кетилишига нега бефарқ

даги ислохотларнинг амалга ошириш бора-сида ҳамда иқтисодий, ҳуқуқий билимларни ошириш учун семинар ва ўқувлар ташкил этилган. Бундай тадбир ҳар ойда бир марта ўтказиб турилсада, уларнинг қатнашчилари ўта камчилики ташкил этади. Истардикки, ширкат раиси ўз соҳасининг билимдони ва аҳоли ишончини оқлай оладиган инсон бўлсин. У ўзига қарашли маҳалла фаоллари билан бир жон бир тан бўлиб ишласин.

Фурсати келганда узогимизни яқин қиладиган транспорт корхоналарида қиш тайёр-гарлиги қандай бораётганлиги ҳақида икки оғиз сўз айтсак фойдадан ҳоли бўлмас. «Тош-шаҳарйўловчитарас» давлат уюшмаси тарки-биде 12 та автобус, 5 та такси, 3 та трамвай-троллейбус корхоналари мавжуд. Ушбу кор-хоналарда 2003-2004 йилги кузги-қишки мав-сумга талабар даража-сида тайёргарлик кўриш мақсадида бир қатор ре-жалар ишлаб чиқилган.

Белгиланган тадбирлар бўйича барча корхоналар-да маълум ишлар амал-га оширилди. Апрель ой-идан буён ҳар ойда икки марта корхоналар раҳ-барларининг ҳисоботла-ри тингланди, уюшма-нинг кенгайтирилган мажлисларида тайёргар-ликнинг бориши тахли-ли бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Сентябрь ойдан бошлаб эса уюшма комиссия-сининг кўчма штаблари белгиланган корхоналар-нинг ўзиде ўтказилмоқ-да. Лекин шундай хайрли ишлар билан бирга бу борада ҳам ҳали қўлина-диган ишлар кўпчилиги эътибордан қочирмаслик керак. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизим-ида ҳам кузги-қишки мав-сумга тайёргарлик иш-лари тўла яқунланган деб бўлмайди. Жумладан, 24 та даволаш муасса-саларида таъмирлаш ишлари 83 фоизга ба-жарилган, оилавий шифоналарда ҳам бу борадаги ишлар поёнига етказилмаган.

Юртимизда айни куз фасли. Куз ўзининг гўзаллиги, тақрорланмас табиати билан бошқа фасллардан ажралиб туради. Бу фасл ўзининг хазонрезиллиги билан ҳам ўзгалар-дан фарқланади. Пойтахтимиз дов-дархатлар-га бой шаҳар. Шунинг учун бугун қайси ҳиёбонни кезманг, қўчага, маҳаллага борманг пойингизда хазонлар ястаниб ётганигини кўрасиз. Бир вақтлар ота-оболаримиз шу ха-зонларни исроф бўлиши уюлидан ҳам кўришган. Шундан бўлса керак, уларни пеш-ма-пеш йиғиб, махсус чўқурларга ташла-шган. Хазонлар қиш давомида шу ерда чириб, эрта баҳорда тайёр табиий ўғитга айланган. Ҳозир ҳам бу ибрат намунаси ҳукм суриб келаяпти. Лекин ҳамма жойда ва ҳаммиса эмас. Ишни енгиллаштириш илинжида юрган хона-дон эгалари ёки фарошлар хазонларни бир жойга тўплаб ёқиб юборишаётганини кўриб, билиб турибмиз. Шу билан улар шаҳримиз ҳавосини, минглаб ҳамшаҳарларимиз нафас олаётган мўътадил ҳавонинг ифлосланиши-га, яна ҳам тўғрироғи—захарланганига сабаб-чи бўлаётганликларини наҳоти билишмаса.

Ушбу сатрларни ёза туриб бейхитёр Кри-ловнинг «Ниначи ва чумоли» ҳақидаги машҳ-ур масалини эслаб қолдик.

Ниначи шўх қуйлаб чалди соз, Сайрларда ўтди гўзал ёз. Томошадан бўшаб демалди, Қиш гамини сира емади. Шунда Босиб келди қора қиш, Улгурмади қолди кўп юмуш.

Умр қаровни ўтаверади. Фасллар кўз очиб юмгунча алмашаверади. Бизга ёзда юпун, қишда ёпинчлик керак. Ҳар қалай биз ниначи эмас инсонимиз. Бунинг учун эса ҳозирги нурли дақиқаларни ғанимат билиб қиш тайёр-гарлигини кучайтиришимиз ва яна кучай-тиришимиз керак.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз ҳамшаҳарлар! Биз таъриф берган олтин куз тобора охиридаб, кумуш қиш яқинлашиб келаяпти. Бу палла айниқса, шаҳар ҳўжалиги учун масъулиятли ва синов даври ҳисобланади. Сабаби, кўп сонли шаҳримиз аҳолисини қишдан бенуқсон олиб чиқиш, уларни узлуксиз иссиқлик ва электр энергия билан таъминлаш каби ўта оғир вазифаларни қай даражада урдалаш бу соҳада ходимларининг бугунги сав-й-ҳаракатига боғлиқ. Шунинг ҳисобига олиб биз бугундан эътиборан газетамиз саҳифаларида «Қиш тайёргарликни ёқти-ради» деган руқн остида мунтазам материаллар эълон қилиб боришни режа-лаштирдик. Бу мақолалар асосини сизларнинг хат ва хабарларингиз ташкил топади. Қиш тайёргарлиги билан боғлиқ барча камчилик ва нуқсонларни биз-га ёзиб юборасиз деган умиддамиз. Агар лозим бўлса, бизга 133-29-33, 133-45-84 телефон рақамлари орқали ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.



ҲАР ФАСЛНИНГ ЎЗ ЮМУШИ БОР

Санаъат

МУСИҚАЛИ ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Асрлар оша куйланиб келинаётган мақом тароналари халқимизнинг бебахо муסיқа меросига айланб қолди. Бундай жозибдор оҳангларга бой асарлар эндиликда бадий ҳаваскорлик жамоалари томонидан севиб ижро этилаётгани кувончлидир.

— «Мўғилчаи бузрук» мақомини муסיқа санаъати оламга кириб келаётган болалар овози орқали тинглаш кишига хузур бағишлайди,— дейди истеъдодли кинорежиссёр Хилол Насимов. — Ана шу ҳолат менда муסיқали-хужжатли фильмлар яратиш иштиёқини уйғотди.

Янги экран асари учун халқимиз орасида оммалашиб кетган «Мўғилчаи бузрук» мақоми асос қилиб олинди. Фарғона водийсидаги энг яхши ҳаваскор ёш ижрочилар иштирокида ушбу экран асари юзага келди. Ўзига хос постановка усулида яратилган «Мўғилчаи бузрук» фильми бир соат давом этади. Мақом тараннуми жараёнида акс этган турли тасвирий воситалар, манзарали кўринишлар экран асари лавҳаларининг янада жонли ва таъсирчан бўлишини таъминлади.

Бу постановка дастлабки муסיқали-хужжатли фильм сифатида ҳам эътиборга сазовордир.

Таълим

ТЕХНОЛОГИК ИМКОНЯТЛАРИ БИСЁР

Мамлакатимизда трикотаж саноати технологияларини такомиллаштириш йўлида кенг қўлмалли техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай жараён тўқимачиликнинг энг сўнгги технологиялари асосида талабаларга билим беришда ҳам қўл келмоқда.

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти эса яқинда айлана трикотаж тўқув машинасига эга бўлди. «Фукунара» русумли бу дастгоҳ ўзининг қатор технологик имкониятлари билан ҳам ажралиб туради.

— Машинада механик ҳаракатларнинг деярли йўқлиги ва ҳаво ёрдамида ишлаши унинг шовқинсизлигини таъминлайди. Айни вақтда дастгоҳнинг бир меъёрга тўтовсиз ишлашига ҳам эришилди. «Трико-таж ўқув ишлаб чиқариш» лабораториясига бу хил машина ўрнатилгач, айлана тўқув машинаси яқунли малака ишлари ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш учун ҳам қулайлик туғдирди.

Мазкур дастгоҳда табиий ипак билан пахта калава ипларини қўшиб тўқиш ҳам йўлга қўйилди. Трикотаж ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш имконини берган усулда олинган махсулотлар ўз сифати билан ажралиб туради.

Лабораториянинг бундай аъло махсулоти намуналари «Ўзбекенгилсаноати» корпорацияси уюштирган кўргазмада фахрли иккинчи ўрин билан тақдирланди.

Акбар АЛИЕВ

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ


КОМИЛЛИК САРИ ИНТИЛИБ

Фан ва технологиялар марказининг 2003 йил 15 сентябрдаги Қарори билан Танлов комиссияси томонидан 10 нафар иқтидорли магистрантлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003-2004 ўқув йилига Давлат стипендиатлари деб таъсидланди. Ана шу стипендиатлар орасида Техника ва информатика йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Тошкент ахборот технологиялари университетининг магистранти Дониёр Расулов ҳам бор. Ёшлигидан радиотехникага, компьютерларга қизиқиши катта бўлган Дониёр 1998 йилда Тошкент ўғил болалар лицейини «аъло» баҳолар билан тугатиб Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Радиоалоқа радиоэшиттириш ва телевидение» факультетига ўқишга кирди. Университетда ўқиш давомида ўзининг одоб-ахлоқи, билимга чанқоқлиги, интилувчанлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтилмаган. Ўз билими ва иқтидори тўғрисида Дониёр 2000-2001 йилларда Беруний номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлди. 2002 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, шу йилнинг ўзида «Мобил алоқа тизимлари» мутахассислиги бўйича магистратурага қабул қилинди.

— Ахборот ва телекоммуникациялар асрида Тошкент ахборот технология-

лари университети магистранти бўлганимдан фахрланаман,— дейди Дониёр Расулов. — Университетда телекоммуникация соҳасида чуқур билимга эга бўлишимда устозларим Р. Ибраимов, Р. Усмонов, Х. Арипов, Б. Романенко, З. Муҳамедовларнинг ёрдамлари

Мустақиллигимиз тўғрисида ёшларга фамхўрлик ва эътибор кучайиб бораётганининг гувоҳимиз. Айниқса ҳар йили мамлакатимизда энг иқтидорли ва изланувчан талаба-магистрантлар ва аспирантларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендиатлари бўлиши улар истеъдоди кирраларининг янада очилишида муҳим омил бўлмоқда.



катта бўлди. Улардан доимо миннатдорман. Мақсадим, келгусида ўз билим ва тажрибамни янада бойитиб мустақил Ўзбекистонимиз фани тараққиётига хизмат қилишим.

Ўз мақсад ва орзулари сари интилиб, изланаётган Дониёр Расуловнинг ҳақиқатан эзгу ниятлари улкан. Унинг рус, инглиз ва турк тилларини яхши билиши айниқса қўл келмоқда. Хозирда техника фанлари номзоди, доцент

М. Васильева илмий раҳбарлигида «Уяли алоқа тизимларида ахборот хавфсизлиги» мавзусида магистрлик диссертацияси устида илмий тадқиқотлар олиб борапти. Магистрантларнинг илмий анжуманларида Дониёр диссертация мавзуси бўйича маърузалари билан иштирок этган ва унинг иккита маърузаси олий ўқув юрти тўпламида чоп этилган.

— Биз ёшларга шундай имкониятларни очаятган ва юқори малакали кадрлар бўлиб етишишимизда барча шарт-шароитларни яратиб бераётган Президентимизга ва университетимиз раҳбариятига катта миннатдорчилик билдирман,— дейди қалби фахр ва ифтихор туйғуларига тўлган Дониёр. — Бизга билдирилган ишонч ва имкониятлардан фойдаланиб келажақда Ватанимиз байрогини жаҳон миқёсида янада баландроқ кўтариш ниятим бор. Чет давлатларда малака ошириб, республикамизда телекоммуникация тармоқларининг ривожланишига ҳисса қўшсам дейман.

Мамлакатимизда Дониёр Расуловдек иқтидорли, келажаги порлоқ ёшлар сафи йилдан йилга ортиб бораётгани албатта кувонарлидир. Ўз орзу-мақсади сари астойдил интилган кишига албатта толе ёр бўлиши аниқ. Зеро буюк мақсадлари сари интилаётган Дониёрнинг ҳам келгусида келажаги порлоқ эканлигига шубҳа йўқ. Биз ҳам Дониёр Расуловга бу йўлда фақат омад ёр бўлишни тилаб қоламиз.

Дилором ИКРОМОВА



• АНЖУМАНЛАР

ФАРЗАНДАЛАР ТАРБИЯСИ — МАЪНАВИЯТ БЕЛБОҒИ

Ҳар бир давр ва ҳар бир миллат учун долзарб бўлиб келган тарбия масаласига эътибор бугунги кунда кучайса кучайдики, асло сусайгани йўқ. «Тарбия — қийин иш ва унинг шароитларини яхшилаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир, ўзинга ўзини ва яқин кишиларингга таълим беришдан ҳам муҳимроқ ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас», деган эди буюк фойласуф Суқрот бу ҳақда. Шунингдек, Авлонийнинг «Тарбия ё ҳаёт, ё мамот...» деб бошланган фикрида нечоғли буюк маъно мужассамлиги ўша давр ва бугунги кунда ҳам ўз исботини топган, десак янглишмаймиз.

Ўзбек халқи қадимдан ёш авлодга тарбиянинг оддий кўринишлари салом бериш, каттага хурмат, кичикка иззат кўрсатиш одобларини уқтириб келган. Хозирда ҳам оилада, маҳаллада, ўқув муассасаларида фарзанд тарбияси, унинг одоб-ахлоқини юксалтириш мақсадида қўллаб ибратли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу эса албатта келажагимизга дахлдордир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услугият маркази, Тошкент шаҳар Оқсо-

қоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Республика Таълим маркази ҳамда Ўзбекистон Миллий боғи ҳамкорликда ўқтазган бадий-муסיқа анжуман ҳам тарбия масаласига бағишланди.

«Фарзанд тарбияси — маънавият белбоғи» мавзусидаги анжуманда шаҳримиз зиёлилари, санаъат соҳаси ходимлари ҳамда Тошкент 1-педагогика коллежи талабалари иштирок этишди.

Анжуманда ёш ва кекса авлод вакиллари тарбия, ахлоқ-одоб масалалари бўйича ўзаро фикр алмашдилар. Бой

ҳаётий тажрибага эга отахонлар ёшларга фарзандни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялаш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Йўлдош Охунбоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри актёрлари ва хонандалар ўз куй-қўшиқлари ва саҳна томошалари билан йиғилганларда катта таассурот қолдиришди.

ОРЗУГАЛ РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган анжумандан лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

СТОКГОЛЬМДА ЎЗБЕК КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Стокгольм шаҳрида жойлашган Нобел мукофотлари тадқиқотлари институтида «Нобел мукофоти соҳиблари» деб номланган китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ўзбек тилида чоп этилган ушбу нуфузли нашр Ўзбекистон физика жамияти ҳайъати аъзолари Абдумажид Тўраев ва Иброҳим Каримовлар саъий-ҳаракати билан юзага келган эди.

— Швециялик муҳандис ва саноатчи Алфред Нобел номи билан аталадиган бу халқаро мукофот ҳар йили 10 декабрда берилади,— деди Республика фуқаро мухофазаси институтининг етакчи мутахассиси Анварбек Норхўжаев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бу сафарги муҳим воқеага ҳам катта тараддуод кўрилмоқда. Қатор китоблар босмадан чиқди. Ўзбекистонда нашр қилинган «Нобел мукофоти соҳиблари» китоби ҳам мукофотни тақдим этувчи жамғарманинг эътиборини ўзига тортиди.

Ушбу нашрнинг биринчи китоби ўтган йили босмадан чиққан эди,— деб сўзини давом эттирди сўхбатдошимиз. — Шу муносабат билан Нобел мукофоти жамғармасидан китоб муаллифлари номига совға юборилди. Ундаги миннатдорчилик ҳатида Нобел мукофотлари тўғрисидаги тўпламининг яратилиши Ўзбекистон ёшларининг фанларга бўлган қизиқиш ва интилишларида ёруғ йўл кўрсатувчи янги бир омил бўлиб қолади,— деб ёзилган эди.

«Туркистон-пресс»

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Биз авлодларимиз давомчилари бўлмиш нури дийдаларимизни гўдаклик чоғиданоқ она Ватанга муҳаббатли, элга садоқатли, соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбияласак, албатта улардан келгусида буюк келажагимизнинг муносиб ворислари етишиб чиқади.



ОМАД ЁР БЎЛСИН, АКМАЛЖОН!

Шунинг учун ҳам республикамизда Юртбошимиз ташаббуси билан униб-ўсиб келаётган ёш авлодга барча соҳаларда катта ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишмоқда. Уларнинг соғлом, бақувват, илмли, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишлари йўлида катта, хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса болалар спортини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳар қанча сўзласак ҳам оз.

Бугунги лавҳамиз қаҳрамони Акмал Шорахмедов ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб илм олишга ва спортга бирдек муҳаббат билан тенгдошларига намуна бўлаётган ёшлардан биридир. Спортни жондан севувчи оилада дунёга келган Акмалжон ёшлиқдан футболга меҳр кўйдди. Ўғлидаги бу қизиқишни вақтида илғай олган Шўхрат ака уни 4-синфда эканида «Пахтакор» спорт мактабига олиб борди. Ана шундан кейин Акмалжоннинг болалик орауларни рўёбга чиқа бошлади. Тиришқоқ, ўқувли, чаккон болакай тезда тенгдошлари ичидан ажралаб чиқди. 14 ёшида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига таклиф қилинди. Турли мусобақаларда қатнашиб, қатор муваффақиятларни қўлга кирита бошлади.

Россиянинг Санкт-Петербургда шундан кейин «Ок тунлар» турнирида тўрт марта катнашди. Жамоадорлари билан уч марта нуфузли ўринларни эгаллаган

Ўтган йили ҳаётимда жуда қувончли воқеа рўй берди, — дейди биз билан суҳбатда Акмалжон. — Биз Осие чемпионатининг финал босқичида қатнашдик.

Унда биз қўлгина кучли рақиблар устидан ғалаба қозондик. Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Катар, Эрон, Суриядан ташқари буюрган футболчилар билан беллашиш осон бўлмади. Биз бу чемпионатда тўртинчи ўринни эгалладик. Шу йилнинг сентябрь ойида эса Хиндистонда бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашдик. Бу мусобақаларда Эрон, Бангладеш, Хиндистон ва Ўзбекистон жамоалари иштирок этди. Биринчи ўинда Эрон билан дуранг натижага эришдик, шундан кейин Хиндистон ва Бангладешни мағлубиятга учратиб финалга чиқдик. Финалда эронлик ёшларга



Унда биз қўлгина кучли рақиблар устидан ғалаба қозондик. Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Катар, Эрон, Суриядан ташқари буюрган футболчилар билан беллашиш осон бўлмади. Биз бу чемпионатда тўртинчи ўринни эгалладик. Шу йилнинг сентябрь ойида эса Хиндистонда бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашдик. Бу мусобақаларда Эрон, Бангладеш, Хиндистон ва Ўзбекистон жамоалари иштирок этди. Биринчи ўинда Эрон билан дуранг натижага эришдик, шундан кейин Хиндистон ва Бангладешни мағлубиятга учратиб финалга чиқдик. Финалда эронлик ёшларга

булиш сенга насиб этсин, Акмалжон. Ёшлиқнинг оппоқ ойдин орзулари сени ҳеч қачон тарк этмасин. Бу йўлда асло чарчама, сен тенаётган футбол тўплари истиқболнинг порлоқ йўлларини ёритсин, дея тилак билдирамиз умидли ёш футболчиға.

Унда биз қўлгина кучли рақиблар устидан ғалаба қозондик. Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Катар, Эрон, Суриядан ташқари буюрган футболчилар билан беллашиш осон бўлмади. Биз бу чемпионатда тўртинчи ўринни эгалладик. Шу йилнинг сентябрь ойида эса Хиндистонда бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашдик. Бу мусобақаларда Эрон, Бангладеш, Хиндистон ва Ўзбекистон жамоалари иштирок этди. Биринчи ўинда Эрон билан дуранг натижага эришдик, шундан кейин Хиндистон ва Бангладешни мағлубиятга учратиб финалга чиқдик. Финалда эронлик ёшларга

• ҲУҚУВ МУАССАСАЛАРИДА

АЛПОМИШ, БАРЧИНОЙ АВЛОДЛАРИМИЗ

Спорт — соғлиқ-саломатлик гарови. Шунинг учун ҳам фарзандларимизнинг соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида катта ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишмоқда. Хусусан, ўрта-таълим ўқув юртида олиб борилаётган спорт-соғломлаштириш юмушлари ҳам ёш авлод саломатлигига қаратилган.

Болалар спорти Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, улар ўртасида спортга бўлган ҳавас ва интилишни кучайтириш, болалар спорти базисини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида шахримизнинг 11 та туманида Болалар спортини ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш бўйича етакчи мутахассислар тайинланди ва уларнинг фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Хўш, жойларда айна кунларда улар қандай ишларни олиб бормоқдалар, асосий мақсад ва вазифаларни нималардан иборат қабилидаги саволларнинг тўғилиши табиий. Биз ана шундай саволлар билан Бектемир тумани Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бош мутахассиси Валиқон АНОРБОВЕВга муросабаб қилдик.

— Туманимизда ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, болалар спортини оммавий ҳаракатга айлантириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Аввало туман ҳокимлигининг «Болалар спортини ривожлантириш ва кўллаб-қувватлашга оид 2003-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» ишлаб чиқилди. Унга кўра, туманда жойлашган спорт иншоотларини таъмирлаш чора-тадбирлари тузилиб, мактаблардаги спорт залларининг бандлик вақтлари аниқланди ва ҳар бир мактаб спорт майдонлари маҳаллаларга бириктирилди.

ТУМАНЛАРДА РЕЖА ВА ВАЗИФАЛАР ЕТАРЛИ

Бектемир тумани «Тазквандо» клубининг аъзолари ҳам мусобақаларда яхши натижаларга эришиб келмоқдалар. 2003 йил Ўзбекистон клублари оочиқ чемпионатида 13-14 ёшли ва 15-16 ёшлилар 1-ўринни, 11-12 ёшлилар 2-ўринни эгаллашди. Тазквандо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида эса фахрли 1-2-ўринларни эгаллашди.

Бектемир туманининг ёш спортчилари футбол, теннис, бокс бўйича ҳам яхши натижаларга эришиб келмоқдалар. Жумладан спорт мактаблари орасида футбол ва бокс бўйича «Наврўз» кубоги учун ўтказилган мусобақаларда 24-БЎСМ ўқувчилари бокс бўйича биринчи ўрин ва футбол бўйича 3-ўринни эгаллашди. Бокс бўйича Ангрен шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда туманимиздан 6 та ўқувчи қатнашиб совринли ўринларга лойиқ топилди. Ховос шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда эса 1-ўринни банд этишди. Халқаро гивандликка қарши кураш кўнига бағишлаб Красниқий

билангина эмас, балки бевосита синфлар раҳбарлари бошчилигида мусобақаларда фаол қатнашишга ҳаракат қилмоқдалар. Ўқувчилар билан ҳамма вақт иш олиб бораётган мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорлари Зулайхо Тожибоева ва Севара Холтоеваларнинг меҳнатини ҳам айтиб ўтмоқ лозим.

Бир сўз билан айтганда ёш авлоднинг камолоти йўлида аҳил жамоамиз мактаб директори Охистахон Алимова бошчилигида пишиқ ва пухта режа асосида иш олиб бормоқда.

Азиза АБДУМАЖИДОВА, Жаҳон тиллари университетини халқаро журналистика факультети талабаси.

Дарҳақиқат униб-ўсиб, вояга етиб келаётган фарзандининг соғлом ва бақувват ҳолда, элу

биюлар ва ўқувчилар билан бафта бўламиз. Уларнинг ўй-фикрлари, таклиф-истаклари билан

тўлашга қийналиб қолдик. Маҳалламиз оқсоқоли билан биргаликда корхона, ташкилотлар кўмагида бир хайрли иш қилинса, жуда яхши бўларди. Шунини ўйлаб кўриш керак, менимча. Савоб ишни қилишига бод-биркорларимиз бор. Уларни ҳам бу ишга жалб қилсак, маҳалламиз болалари ўзлари севган спорт тури билан жон-жон деб шуғулланар эдилар.

МУНОСАБАТ «СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИ ХОҲЛАЙМАН...»

Эрталаб шошиб ишга келаётиб йўл-йўлакай она-боланинг сўхбати беихтиёр қулоғимга чалинди. 5-6 ёшлар ҳамасидаги кўзлари тийрак, қадамлари чакқон бўлган болажон тинмай онасига гапириб келмоқда эди. «Ойижон, мен албатта зўр боксчи бўламан, майлими? Ёки, футболчи бўлсаммикан? Мени «ЖАР» спорт-соғломлаштириш марказига олиб бориинг. Қаратэга қатнашаман. Кеча телевизорда кўрдим. Мен тенги болалар ҳам қатнашса бўлар экан-ку». Мен аста онанинг кўзларига бокдим. Менинг қарашимнинг боисини у тўшунди шекилли, секингина, қани энди бепул бўлса-ю, албатта олиб борар эдим-а — деб кўйдди.

Дарҳақиқат, жуда кўп ота-оналарнинг биламизки.

«Менинг уч фарзандим бор, 10, 7, 5-синфларда ўқишади. Ўғлим Жаъфар қаратэга, қизим Гулнора «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида жойлашган сузиш тўғарагага қатнашади. Тўриси, уччала фарзандимнинг спорт билан шуғулланишини жуда хоҳлайман, қани энди озгина имтиёзлар берилса...»

Наримон ШАМСИЕВ, ҳайдовчи: — Менинг икки фарзандим бор. Футболга қатнашиб туришарди. Лекин яқиндан бошлаб бора олишмайпти. Чунки пул

сарияти қочғача ишда бўлишди, ўз-ўзидан аёнки бола бир ўзи уйда қолади. Агар у вақтида мактабга бора, дарсдан сўнг спорт тўғарагага қатнашса, бекорчи вақти бўлмайди, демак турли ноҳуш ҳодисалар ҳам юз бермайди. Қўпласи бу тўғрида ўйлаб, ижобий томонга ҳал этмоғимиз керак. Оилавий шароити кўтармагани учун қанча болаларимиз спорт билан шуғулланишга имконлари бўлмаётганини биламизку.

Ҳа, айтилаётган ҳар бир таклиф жуда ўринли. Маҳаллалар оқсоқоллари туман мутасаддилари билан фикрлашиб, маҳаллада жойлашган корхона, ташкилот ва хусусий тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб болажонларимизнинг турли спорт тўғарақларига имтиёзли қатнашишлари учун шароитлар яратиб берсалар нур устига ало нур, келажак эгалларига кўрсатилётган ғамхўрликнинг ёрқин исботи бўлар эди. ШОҲИДА МАҲМУДОВА

Мусобақалар


Чилонзор туманидаги «Бўстон» маҳалласида «Спорт — бизнинг дўстимиз» мавзусида ёшлар ўртасида катта спорт мусобақаси ўтказилди.

МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Ушбу қизиқарли тадбирни уюштиришга Чилонзор туман ҳокимлиги, Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ва «Бўстон» маҳалласи яқиндан бош қўшишди.

Мусобақада маҳалладаги ҳар бир кўп қаватли уйлар ҳамда хусусий хонадон ёшлари ўзларида ташкил этилган гуруҳлар билан қатнашдилар. Бу гуруҳлар ўртасида маҳалла биринчилиги учун футбол, волейбол, шахмат-шашка, «Кувноқ» стартлар бўйича қизгин мусобақалар ўтказилди. Футбол мусобақаларида Дилшод Аҳмедов, Бехзод Азимов, Хусан Абдураимов, Акмал Каримжонов, Наби Маҳжаров, Охун Эргашев, Алиакбар Содиқовлар ўзла-

рининг чиройли ўйинлари билан томошалар билан олқишига сазовор бўдилар. «Кувноқ» стартлар бўйича эса маҳалла кизларидан Зухра Аширова, Юлдуз Сатторова, Муқаддас Норқуловлар юқори натижаларга эришдилар. Мусобақа сўнгида голлиб маҳалла ёшлари республика «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими, «Бўстон» маҳалласининг эсдалиқ совғалари ва Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар. Саидмурод САТТОРОВ, «Бўстон» маҳалласи педагог тарбиячиси. СУРАТЛАРДА: маҳаллада бўлиб ўтган спорт мусобақасидан лавҳалар.



КУЧЛИЛАР ҲОЛИБ ЧИҚДИ

Мамлакатимизда болалар спортга катта эътибор қаратилаётганидан асосий мақсад келажагимиз бўлган ёш авлодининг жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб ўсиши йўлида зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

институтларда таълим-тарбия олаётган ёшларни спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Камолот» ЁИХнинг туман бўлими билан ҳамкорликда қатор мусобақалар, қизиқарли учрашувлар ўтказиб келинмоқда, — дейди туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бош мутахассиси Жаҳонгир Гибёсов. — Айни кунларда болаларимизнинг соғлиги ва жисмоний тайёргарликларини аниқлаш мақсадида «Алпомиш» ва «Барчиной» тестлари ўтказилмоқда. Қизгин баҳс-мунозарарга бой ҳолда ўтган мусобақаларда энг кучлилар ғолиб бўлди ва қатнашчиларнинг барчаси эсдалиқ совғалари билан тақдирланди. (Ўз муҳбиримиз)

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲУНАРИ
ДОМО БЎЛҮР...

Одамнинг баракали ва бадавлат бўлиши учун касбу-хунардан қимматлироқ мато йўқ ва улуглик ҳамда саодат осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқдир. Хунар суви билан суғорилмаган киши, гўёки мева ва сояси йўқ қуруқ дарахтга ўхшайди. Ёки ҳид ва рангдан ҳолий гулга монанддир. Дарҳақиқат, бу Фирдавсимонанд гулшанинг рай-ҳонлари тубидан димоғини муаттар қилган киши хилма-хил камёб лаззатли неъматлардан бахраманд бўлади. Бу неъматнинг ёқимли майдан бир жуъра тотмаган киши доимо бахтсизлик ва ожизлик билан боши оғриб, хумор бўлиб юради. Кўп азоб ва укубатлар юқини елкасида кўтариб юришга мажбур бўлади. Билим ва ҳақиқат боғининг боғбонлари касбу хунарсиз кишиларни жамиятнинг разил ва пасткаш кишилари деб ҳисоблаганлар. Касбу камолсиз кишининг муҳаббати ҳеч бир дилдан жой топмайди ва ҳеч ким касбу хунарсиз кишига ёрдам қўлини чўзмайди.

● Эй ўғил, бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу хунар ўрғанишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган. Юрт ва элнинг ривожини ҳам хунарга боғлиқ. Энг ҳалол ва энг ёқимли емиш, кийиш хунардан ҳосил бўлади. Хунар яширин ҳазина. Қуни келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам хунардан ҳеч қачон ажралолмайсан, хунар сенинг доимий ҳамроҳинг, мададкорингдир.

● Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири ишламасдан бировлар ином-эҳсонига таъма кўзини тикиб ўтиришдир. Касбу хунар эгаси тамадан ҳолидир. У ўз хунарининг фазилати туфайли, ўз қўл меҳнати туфайли ҳалол топиб ҳалол ейди.


● Хунар дунёда молу пул ғамлаш, ундан ўз маишати учун фойдаланиш учунгина эмас, хунарманд киши ўз хунари билан одамларнинг кўнглини олмоғи, кўпчиликка ёрдам бериб, уларни хурсанд қилмоғи лозим.

Шайх Саъдий айтиди:

Кишида бўлмаса фазлу хунардан, Ундайнинг суратдан нима фарқи бор?
Хунар дунё тўплаш эмасдир, Ўзгалар кўнглини шод қилгил тақдор.

● Хунар ва санъат шундай нарсаки у кераксиз қолмайди, ишлатмасанг ҳам йўқолиб кетмайди, керак пайтда эса сенга кўмакчи бўлади. Эрак кишига 40 хунар ҳам оз. Эрак бўла туриб "Мен буни билмайман" дейиш уятдир.

● Эй ўғил, хунарсиз дангаса ва ишқимас кишилар билан улфат бўлма, уларнинг таъбири сенга ҳам уради. Дангасаларнинг доимий фикру ўйи ишламасдан ейиш, яхши кийишдир. Улар доимо беҳуда сўзлашни, вақтни хуш ўтказишни, танларини семиртиришни ўйлайдилар. Кўп еб, семирлишни ўйловчи кишиларни донолар ҳайвон табиатли кишилар дейдилар.



Шоир Туроб Акбархўжаев Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент Давлат университети тамомлаган. Меҳнат фаолиятини «Янгийўл» газетасидан бошлаган. Сўнг «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида бўлим мудири, чет эллардаги ватандошлар учун нашр этиладиган «Ойдин» газетасида масъул котиб, Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриётида олий тоифадаги муҳаррир бўлиб ишлаган. Ижодкорнинг шеър ва ҳикоялари, Тўмарис, Беруний, Алломис, Жалолоддин Мангуберди, Алишер Навоий, Бобур ва Амир Темур каби буюк шахсларнинг ҳаётини мадҳ этувчи мақолалари тўпламларда, республика матбуотида нашр этилган.

Туроб Акбархўжаев драматургия соҳасида ҳам қалам тебратиб туради. Драматургнинг «Тўй ўрнига томоша» комедияси Каттакўрғон ва Андижон театрлари сахнасида қўйилган. Унинг соҳибқирон Амир Темурнинг йигитлик даври тасвирланган «Замон ўғли» шеърый драмаси Амир Темур ҳаётига бағишланган сахна асарлари фестивалида фахрли совринга сазовор бўлган.

ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ

Истиқлол кўклами эркалаб, суйиб,
Қалбимдан изтироб, аламни қувиб,
Баҳорий шабнамдан жомимга қуйиб,
Шодлигинг қуйла деб тутқазди қалам!

Мен шоир эмасман, ашъор муҳиб,
Истиқлол ўғлиман, содиқ ҳабиби,
Кўзимга нур берди даврон табиби,
Шодлигинг қуйла деб тутқазди қалам!

Сирда ҳам, Амуда янги бир тўлқин,
Қуёшдан ёғилар ҳаётбахш ёлқин,
Мунаввар тонглари жамоли қақин,
Шодлигинг қуйла деб тутқазди қалам!

Юрак завқ туяди — жўшар илҳомим,
Баҳорий шабнамдан лиқ тўла жомим,
Мунаввар тонгча бор ҳар бир оқшомим,
Шодлигинг қуйла деб тутқазди қалам!

Ўзбекча сўзлайман — равшандир дилим,
Дилимининг қувончин куйлағай тилим,
Шу тилда ҳал бўлғай ҳар бир мушуқлим,
Ўзбекча сўзла деб тутқазди қалам!

ЮРАГИМНИНГ
ДУТОРИ

Кўшнимизнинг қизи бор,
Юзлари ёнар анор.
Кўнглимни олган ўша,
Дилга ўт солган ўша.
Сочлари ўрим-ўрим,
Қани текказсам қўлим...
Лабида донна холи,
Қилча эрур ҳилоли.
Қора зулфининг тори —
Юрагимнинг дутори.

ЛОЛА

— Лола сенинг ёнишинг яхши,
Сен баҳорнинг элчиси, нақши.
Юрак каби ёниб турасан,
Афсус, қисқа умр кўрасан.
— Ўқинмайман бунга заррача,
Бу дунёдан ҳамма кетади.
Биров тутаб, бадбўй таратиб,
Биров мендек ёниб ўтади.



ТОШКЕНТ ТАВСИФИ

Тошкент шаҳрим — тош шаҳри,
Диёримнинг бош шаҳри.
Нечун сени тош дерлар?
Меҳри бир қуёш дерлар.
Бошинг тошдан мустаҳкам,
Ҳеч кимдан эмассан кам.
Сен улуглар бешиги,
Шарққа боққан эшигинг
Очқидир яшиларга,
Шоир бахшиларга,
Бобомиз Қафол Шоший,*
Мингдан ошгандир ёши.
Бағринда ижод этди,
Элнинг дилин шод этди.
Фирдавсий «Шоҳнома»-си,
Берунийнинг хомаси.*
Жамолингни васф этган,
Доннинг оламга кетган.
Ул тарихчи Зайниддин,*
Олим, инсон камтарин.
Тарихинг битиб кетмиш,
Бундай деб таъриф этмиш:
«Шош жуда латиф шаҳар,
Гўё сафоли сахар.
Мисли шакар меваси,
Ундан ширин шеваси.
Шошни бир кўрган киши,
Уни мақтамоқ иши,
Васфи тўшмас тилидан,
Севиб қолар дилидан...»
Буюк Темур Кўрагон,
Бу шаҳарга ҳар замон.
Иш билан келиб турган,
Олиму арбоб билан,
Қадрдон аҳбоб билан,
Мажлис, машварат қурган.
Бир кун келиб шу Шошни,
Мустаҳкам боши тошни
Қувватга тўлишини,
Қудратли бўлишини
Этиб чуқур тафаккур,
Аниқ қилган тасаввур.
Бобур сени Шош деган,
Кўксингни қуёш деган,
Хўп мақтаган ёйингни,
Жаннат деган жойингни.
Машраб ҳам бунда юрган,
Нурбобога* бош урган.
Йиглаб айтиб холини,
Қолқора иқболини.
Ундан дуо олиб хўп,
Тошкент ичра кезиб кўп.
Дилдан кетиб қайгу,
Укшоидан* ичиб сув,
Қилиб сайру томоша,
Қир оша, доvon оша.
Насаф сари олган йўл,
Ёзаверсам гапим мўл.
Ҳар зарра тупроғингда,
Ҳар зумрад япроғингда,
Улуғларнинг ёди бор,
Уларнинг имдоди* бор.
Ойбекнинг шуқуҳи бор.
Ғафур Фулом руҳи бор.
Қодирий заковати,
Чўлпоннинг маҳорати,
Уфуриб турар мудом,
Ҳар наҳору ҳар оқшом.
Усмон бунда шеър ёзган,
Қўлчини кенг ёйган.
Мумтоз эди овози,
Бемаҳал синди сози.
Фаҳринг Ҳабиб аллома,*
Кийиб оддий коржома.

Кезиб дашту саҳролар,
Топди маъдан, тиллолар.
Фанни кўтарди осмон,
Уни тан олди жаҳон.
Оҳ! Қўшиқчи Маҳмуджон,*
Ашуланг олам-жаҳон.
Овозинг бунча ширин,
Бунда сеҳр яширин.
Сен Фарҳоднинг тимсоли,
Санъатинг йўқ заволи.

Биноларинг мухташам,
Қанча таърифласам кам.
Ана, гўзал Оксарой,
Ундан ой олар чирой.
Ўзбекининг миллий боғи,
Нурга тўла ҳарёи.
Алишернинг хайкали,
Санъатинг бу сайкали.
Шаҳарнинг гуруридин,
Ўзбекининг суруридин.
Кўксингдан оққан Анҳор,
Тупроғинг ўлиб минг бор.
Жўшиб қўшиқ айтади,
Меҳринг қўшиб айтади.
Бағринг бунча дилрабо,
Гўёки оҳанрабо.
Меҳринг тортиб туради,
Завқим ортиб туради.
Оромижон боғларинг,
Ойдин оқшом чоғларинг.
Фавворалар сочиб дур,
Дилларга бериб хузур.
Хиёбонлар ораста,
Сайр этсанг аста-аста,
Очилиб баҳру дилин,
Мақтовга келиб тилин.
Дейсан Истиқлол яша!
Неча асрлар оша,
Сени зориқиб кутдик,
Йўлларингга кўз тутдик.
Оҳ, бормисан азизим,
Жоним каби лазизим.
Ўзингсан нури дийдам,
Жоним фидо қилсам кам.
Сен Истиқлол шаҳрисан,
Сен Истиқлол шаҳрисан.

Тошкентда сайриғо кўп,
Лекин барчасидан хўп —
Шаҳидлар хиёбони,
Беғуноҳларнинг қони.
Тўкилган бу тупроқни,
Мангу сўнмас шафақни.
Боболарнинг ҳоқини,
Ўлмас руҳи покни,
Шод этамиз ҳар нафас,
Чунки бу иш муқаддас.
Улар Истиқлол учун,
Нурли Истиқбол учун,
Ўзин қурбон этдилар,
Шон-шараф-ла кетдилар.

Изоҳлар

1. **Қафол Шоший** — X асрда яшаб ижод этган шоир, файласуф ва давлат арбоби.
2. **Хома** — қалам.
3. **Зайниддин Васфий** — XV асрда яшаган тарихчи.
4. **Нурбобо** — валий уламо.
5. **Укшоша** — Чорсудаги булоқ.
6. **Академик Ҳабиб Абдуллаев**
7. **Имдод** — ёрдам, кўмак, мадад.
8. **Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғофуров**

Маслаҳат**БИР-БИРИДАН
УЗОҚРОҚДА
САҚЛАНГ**

Гулдондаги кўзни қувнатувчи гулларнинг маълум турлари бошқаларини унчалик «ёқтирмайди». Яъни, настарин, марваридгул ва бинафшалар бир-бирига яқин турса тез сўлиб қолади. Афтидан бўтақўз билан лола ҳам «уришиб қолишган» чоғи, имкон қадар уларнинг бирини бошқасидан узоқроқда сақланг. Қарангки, марваридгул бўтақўз билан яхши чиқишар экан. Атиргул, астра (кўқонгул) ҳамда қалампиргулдан иборат гулдаста яхши сақланади. Лекин бу гаплар нарғиз ва марваридгулга мутлақо тўғри келмайди.

Гулдондаги гуллар янада узоқроқ сақланиши учун ботаник олимлар айрим маслаҳатларни бермоқдалар. Пиёнгул ва атиргул поясининг пастки қисмини гугурт билан озгина куйдириш кифоядир. Ундан ташқари атиргулнинг куйи барглари сувга тегмаслиги керак. Гладдиолуснинг бир-икки гунчаси очилгач узиб, сувга тегиб турувчи поясини игна билан тирнаб кўйиш мақсадга мувофиқдир. Эгилиб қолган лолаларни электр лампочка тагига бироз муддат кўйилса яхши наф беради.

Венанинг «Szene Wien» концертлар залида Ўзбекистон Республикасининг Австриядаги элчихонаси кўмагида халқимизнинг сеvimли хонандаси Севара Назархон ўзининг кўшиқлар дастурини намойиш этди.

ЎЗБЕК**КЎШИҚЧИСИ — АВСТРИЯДА**

Ушбу концертнинг диққатга сазоворли томони шундаки, у Европа маданий маркази бўлиши Венада ўзбек мусиқасининг янрашини бошлаб берди.

Маҳаллий томошабинлар юртимизнинг ёш кўшиқчиси истеъдодини муносиб баҳоладилар.

Концерт давомида залнинг барча йўлаклари рақс майдонига айланди. Кўшиқлар ижросидан сўнг эса «We love you, Sevaga» сўзлари муҳлислар олқиши остида жаранглаб турди.

Концертга бағишланган махсус репортаж Австрия радио ва телевидениеси орқали намойиш этилди. Маҳаллий мусиқа танқидчилари Севара Назархонни жаҳон эстрадасининг ёрқин юлдузи, деб таърифлади.

Венада бўлиб ўтган ўзбек мусиқаси тақдимотидан сўнг хонанда ўз гуруҳи билан биргаликда йилнинг навбатдаги «WOMEX» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун Испаниянинг Севилья шаҳрига жўнаб кетди.

«Жаҳон» АА

**КУТУБХОНАЛАР
ОЛДИДАГИ МУАММОЛАР**

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида кутубхона» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Халқаро анжуман ташкилотчилари Республика Халқ таълими вазирлиги, Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан Осиё ривожланиш банки, Британия Кенгши, ЮНЕСКО, ЮСАИД ҳамда Ўзбекистон Очиқ жамият институти — кўмак жамғармаси ҳисобланади.

Анжуманнинг асосий мақсади, умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари ишини фаоллаштириш ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали интернет ва электрон ахборот ресурсларини кутубхоначиликда, фан, таълим ҳамда бизнес соҳаларида қўллаш ишларини ривожлантириш ҳисобланади. Шунингдек, анжуманда халқ таълими тизимидаги кутубхоналарнинг комплекслаш, кадрлар таъминоти, автоматлаштириш каби муаммолар, Интернетдан ҳамда электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш, кутубхоналар тизимини барпо этишда ўзаро тажриба алмашинувининг ўрни каби масалалар кўриб чиқилди.


«Туркестон-пресс»

**ҚИЗИҚАРЛИ ТОМОШАЛАР
БОШЛАНАДИ**

Шу йилнинг баҳорида Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат циркида Россия давлат цирк компаниясининг «Евро цирк» шоу дастури томошалари бўлиб ўтган эди. Томошабинларнинг таклиф ва талабларига бinoан режиссёрлар Эдуард Арзуманов ва Анжела Маслакаевалар «Евро цирк» шоуини янги дастурлар билан бойитган ҳолда яна шахримизга ташриф буюришди.

31 октябрда Тошкент Давлат циркида Никулин цирки иштирокидаги «Евро цирк» супер шоуи бошланади. Унда Ўзбекистонда илк бор Россияда хизмат кўрсатган артист Николай Тимченко раҳбарлигидаги Патагон денгиз шерлари, ўргатилган ҳайвонларнинг қувноқ карусели, айиқлар, маймунчалар, пакана отларнинг қизиқарли чиқишлари намойиш этилади.

Шунингдек, дастурда Монте Карлода ўтказилган бутун жаҳон цирк санъати фестивали совриндорлари бўлган қозоғистонлик чавандоз йигитлар ҳам аjoyиб томошалари билан иштирок этади.



Россиялик қувноқ масҳарабозлар Сергей Колганов ва Олег Белогорловлар қизиқарли ва кулгили дастурларини томошабинлар ҳукмига ҳавола қиладилар. Айниқса, Патагон денгиз шерларининг чиқишлари «Евро цирк» шоу дастурининг энг зўр томошаларидан саналади. Бу тўғрида Николай Тим-

ченко-
нинг
ўзи
шундай
дейди:

— Патагон денгиз шерлари жуда беозор ва ақлли жониворлардир. Мен уларни ўргатиш учун узоқ йиллар давомида изландим, махсус адабиётлардан фойдаландим. Охири оқибат улар менинг яқин дўстларимга айланди. Биз денгиз шерлари билан Греция, Исроил, Бельгия, Голландия, Германия, Туркия каби қатор мамлакатларда бўлиб томошалар кўрсатдик ва муҳлисларнинг олқиши ва хурматига сазовор бўлдик. Умид қиламанки, ўзбекистонликлар ҳам бизнинг фаройиб томошаларимиздан хушнуд бўлишди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: «Евро цирк»
шоуи томошаларидан
лавҳалар.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР****ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент шаҳар, Як-касарой туманидаги 1 сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилди. Унга қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

**«Тошкент
ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ҳунар техника билим юрти туғатилади. Даъво ва талабномалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой ичида қабул қилинади.

Манзил: Шайхонтоҳур тумани, Уқчи кўчаси, 107 «а» уй. Телефон: 144-24-48

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилади.

1. «ДЭУ-Супер салон» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR 494, бошланғич нархи 8 020 600 сўм, техник носоз;
2. «ДЭУ-Эсперо» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-51 ТНС, бошланғич нархи 3 734 310 сўм, техник носоз;
3. «ДАМАС» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 X 59-95, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз;
4. «Форд-Скорпио» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
5. «Газ-3307» юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-25 ТНБ, бошланғич нархи 782 800 сўм;
6. «Мерседес-Бенц» юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-

- қами йўқ, бошланғич нархи 700 000 сўм,
7. «Камаз-432500» юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 62-61 ТНП, бошланғич нархи 2 858 350 сўм, техник носоз;
8. «Зил-ММЗ-34502» юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
9. «Паз-672» автобуси, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 894, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
10. «Маз-500» автокрани, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 AL 155, бошланғич нархи 600 000 сўм, техник носоз,
11. «Камаз-53213» юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, Ю давлат рақам белгиси 1 000 000 сўм, техник носоз;

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси 2003 йил 30 ва 31 октябрда соат 15-00 да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги 99-ўрта мактаби томонидан 2003 йилда Умарова Озода Авазовна номига берилган U № 0399098 рақамли шаҳадатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт

ПОЙТАХТЛИКЛАР — БИРИНЧИ

Фаргона вилоятида ёшлар ўртасида таэквандо бўйича турнир уюштирилди. Унда Тошкент шахри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан таширф буюрган ёш таэквандочилар голиблик учун кескин кураш олиб боришди. Қизиқарли ва мурасасиз кечган баҳслар якуни шунини кўрсатдики, шаҳримизнинг «Алекс» ҳамда Тошкент вилоятининг «Бекобод» клублари аъзолари барча рақибларидан кўра маҳоратлироқ эканликларини исботлашиб турнир голиблигини қўлга киритишди. Шуниси қувончлики, кучлилар орасидан Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига номзодлар сараланди.

ГАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ТЎП

Аввал фабул берганимиздек, Хиндистонда футбол бўйича ёшлар ўртасида Афро-Осиё турнири бошланди. Унда иштирок этаётган Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари дастлабки учрашувни эронлик тенгдошларига қарши ўтказишди. Мутахассислар муҳлислар фикрича унда эронликларнинг сўзсиз галаба қозонишлари тахмин қилинганди. Аммо, бу баҳоратлар пучга чиқди. Жаҳон чемпионати финалига жиддий хозирлик кўраётган ҳамюртларимиз рақибларига қарши муносиб ўйин кўрсатиб учрашувни 1:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қила олишди. Эронликлар дарвозасини «Пахтакор» жамоасининг моҳир, ёш ҳужумчиси, терма жамоамизнинг етакчи футболчиларидан бири Марат Бикмаев аниқ нишонга ола билди.

АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИ

Келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларимизнинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида спортни ривожлантиришнинг уч босқичли тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», ҳамда «Универсиада» ўйинлари ўтказиб келинаётганлиги ҳаммага маълум. Кунин кеча эса пойтахтимизда Республика харбий лицейлари талабалари ўртасида ташкиллаштирилган «Амир Темур авлодлари» турнири мусобақалари бўлиб ўтди.

Спортнинг футбол, тенгил атлетика, арқон тортиш йўналишлари бўйича уюштирилган беллашувларда Тошкент шахри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан таширф буюрган 150 дан ортиқ ёш спортчилар ўзаро кураш олиб боришди. Мурасасиз, қизиқарли, кескин курашларга бой кечган баҳслар якунида бошқалардан кўра чаққонроқ, тезкорроқ ҳаракат қилган, бор маҳоратини ишга сола олган Фаргона вилоят харбий лицейи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Тошкент харбий лицейи жамоаси спортчилари иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринлар билан кифояланишди.

Акбар Йўлдошев

Халқ банки Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Бекмурод Расулович Кўчқоровнинг падари бузруквори

РАСУЛ ОТАНГИР

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.



ҲАВЗАДА — ЁШ СУЗУВЧИЛАР

Шаҳримиздаги Тошкент вилояти жисмоний тарбия-шифокорлик диспансери сув ҳавзасида икки кун давомида 1991 йилда туғилган ва ундан ёш қизлар ўртасида синхрон сузиш бўйича пойтахт Кубоги очик мусобақалари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда синхрон сузиш федерацияси томонидан ташкил этилган Кубок баҳсларида Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари жисмоний-тарбия ва спорт жамияти, «Ўзбекистон» теннис корти сузувчилари ҳамда Гулистон шахри ўсмирлар терма жамоасининг ёш спортчилари галаба учун кураш олиб боришди. Синхрон сузиш ишқибозлари ва мутахассислари эллика ақин ёш сузувчиларнинг маҳоратларидан баҳраманд бўлишди.

Ниҳоят кучлилар сараланиб, яқка тартибдаги, жуфтлик ва гуруҳ баҳслари йўналишида ўтказилган мусобақалар голиб-



лари ҳам аниқланди. Яқка тартибдаги беллашувларда 61.250 балл тўплаган А.Шокирова ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан жой олди. Д.Ибрагимова ва Ф.Умирбоевалар кейинги совринли ўринлар соҳиблари бўлишди.

Жуфтлик баҳсларида галаба 60.576 балл жамғарган Л.Гарифулина, А.Шокировага насиб этди. 58.022 балл билан Д.Ибрагимова ва Н.Здрайковскаялар иккинчи бўлишди.

Опа-сингил Фотима ва Зухра Умирбоевалар учинчи ўрин билан кифояланишди.

Л.Гарифулина, З.Умирбоева, Ш.Зоҳидова, Н.Здрайковская, Н.Артишева, М.Романова, И.Жўрабекова, Е.Розановалардан иборат ёшлар гуруҳ баҳсларининг голиблари бўлишди.

Тошкент шаҳар Кубогининг барча голиб ва совриндорларига дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз) **СУРАТЛАРДА: ҳавзада ёш синхрон сузувчилар; турнир голиб ва совриндорлари. Алексей Попов олган суратлар.**

ГАЗДАН ТЎҒРИ Фойдаланинг

20 октябрь кунин Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифонасида ёнгин содир бўлди. Оқибатда 78 квадрат метр майдондаги шифт қопламаси ва том тахта панжараси ёнгиндан зарар кўрди. Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ раҳбарияти, ёнгин ўчириш гуруҳи, Миробод тумани ИИБ ЁХБ ходимлари вақтида етиб келиб, ўз ишларини моҳирона бажардилар. Руҳий касал инсонларни ва касалхона ходимларини офат балосидан асраб қолдилар. Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари жараёнида ёнгиннинг тахминий сабаби оқват тарқатиш хонасидаги газ плитасида оқват назоратсиз қолдирилганлиги деб топилди.

Оддий бепарволик катта талафотларга олиб келишини ҳар бир инсон тушуна билиши лозим. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик — бу тинчлик ва осойишталик, қут-барақа, энг қадрли ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва яқин инсонлардан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамга айланиб қолиш демакдир.

Сир эмас, кунлар совиши билан барчамиз хоналарни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланамиз. Лекин қай тарзда? Носоз ёки қўлбола электр ва газ мосламаларини ишлатган ҳолда хонадонини қулга айлантириб, ўзлари ҳам ҳаётдан кўз юмган инсонлар оз бўлса-да топилади. Тошкент шаҳрида жорий йилда ёнгин оқибатида 19 та одам ҳалок бўлди. Улардан саккизтаси газ ва электр асбобларидан фойдаланганда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаганлиги сабабли ҳаётдан кўз юмди.

Масалан, Собир Раҳимов туманида истикомат қилган Н.Ухина оқват тайёрлаш мақсадида қозонга ёғ солган. Бевақт жиринглаган телефон беканинг бутун хаёлини ўғирлаган. Назоратсиз қолган ёғ аланга олиб, ошхона жиҳозларининг ёниб кетишига сабаб бўлган. Алангаланиб кетган оташни эса, ўзи ўчиришга бел боғлаган Н.Ухина ёнгиндан оғир жароҳат олиб, касалхонада вафот этган. Миробод туманида яшаган 3 гуруҳ ногирони В.Федечкиннинг ошхонасида содир бўлган ёнгин ва хонадон эгасининг ҳалок бўлишига олиб келган сабаб ҳам газ плитасидан нотўғ-

ри фойдаланиш оқибатидир. Яқкасарой туманида яшаган Б.Муҳиддинов ҳаммомда газ ҳидини сезган ва гугурт қақиқ юборган. Натижада содир бўлган портлаш оқибатида оғир жароҳат олиб ҳаётдан кўз юмган.

Аҳоли турар жойларида содир бўлаётган ёнгинлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, фуқаролар ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Газ ҳидини сезганда гугурт қақиқ мумкин эмаслигини билмаган, газ қувурларини ўзбошимчилик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамида, қонунга зид равишда улаб олиб, хонадонини талафотга олиб келаётган инсонлар оранизда кўплаб топилади. Бу эса одамларнинг моддий зарар кўришларига, тан жароҳати олишлари ва бевақт ўлимларига сабаб бўлмоқда.

Газ ҳидини сезганингизда эҳтиёт бўлинг. Гугурт қақманг ва сигарета чекманг. Уйдан чиқаётган газ асбобларини ўчириг. Газ ҳидини сезганда дераза ва дарчаларни очинг. Тезда «04» авария хизматига телефон қилинг.

Агар ёнгин чиққанини кўрсангиз дарҳол «01»га қўнғироқ қилишни ва ўт ўчириш машинаси етиб келгунга қадар, ёш болаларни, қимматбаҳо буюмларни олиб чиқишни унутманг!

Муслима РАҲИМОВА, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси, ички хизмат лейтенанти.

ҚАТРАЛАР

МАЖНУНТОЛ

Соҳилдаги мажнунтол ўз соясида ҳордик чиқариб кетувчиларнинг ёқимли суҳбатларидан сархуш, маст. Гоҳ ошиқ-маъшукларнинг шивир-шивирига ҳалақит бермай деб хаёлини учаётган қалдирғочларга, бир-бирини қувалаб чапаётган тўлқинларга боғлаган гўё.

Мажнунтолнинг одамлар меҳри, нафаси билан масрур яшашидан сал наридаги теракнинг ичи «куяди».

— Бағриндан одам аримаёйди. Биласанми, нега? Ювшо, бўшлигиндан. Айбдордек энгашиб тураверасан. Мен-чи, бўй эмасман. Ким бўлса кун унга тик боқаман. Менга яқинлашишга юраклари чидамайди.

Мажнунтол унга гинг демади. Нима десин? Ўсиб-унгани она ерга таъзим қилаётганини айтсинми? Йўқ, она еримга миннат бўлиб туюлмасин, дея хаё йўрғагида сақлайди таъзим-рахматини. Ниҳоят, бир кун соясига таширф буюриб, чархланаётган аррагагина теракдан сўз очди.

— Индаманинг яхши бўпти. Гапингни уқшини барибир хоҳламасди, — деди арра ва терак тағига яқинлашди. — Соянг ўзинг барабар узоқда. Одамларнинг келмаслиги шундан. Яхшиси сени уйга тўсин қиламан — камтар қилиб қўяман.

ПИЛЛАПОЯЛАР

Томга қўйилган нарвоннинг энг юқори пиллапояси:

— Менинг хизматим сеникидан улуг. Юқоридан туришимнинг сабаби шу, — деди.

Пастки пиллапоя бир кунини ўзига юзма-юз бўлган қўлга:

— Нарвоннинг юқорисини пастга айлантдириб қўй, — дея илтимос қилди.

Пастдан юқорига кўтарилган пиллапоя нарвон уй эгасининг томга қандай чиққанини кузатгач, тўғрисиини айтди:

— Томга чиқувчига олдин сен елка тутманг мен бекор эканман. Сендан юқори тургани билан барибир ишда сен мендан олдин юқорисан. Тўғрими?! Сен эса боя ҳозирги меннинг ўрнида турганида нималар девдинг?

— Ҳозир айтаман гапингни мен айтишим лозим эди, — деди хатосини тушунган пиллапоя.

Хатони тушуниб, вақтида тан олиш ҳам яхши ҳислатдир.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиғи

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 133-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4204 нусхада босилди. Қўғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напир кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 19-рақам билан рўйхатга олинган

Напирини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почташига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийт-нашрия акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.